O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMANI
HOKIMI
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ЗАФАРАБАДСКОГО
РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 yil "21" 02 150-son Зафаробод шахарчаси.

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўилами, 2003 й., 1–2-сон, 17-модда) 18-бандига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган автотранспорт воситаларини ва уларга тиркамалар мажбурий техник кўригидан ўтказисин.

2. Техник кўригини ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда ўз вақтида режа жадвали асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4.Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

- биринчи марта – 1 март – 30 июнда;
- иккинчи марта – 1-сентябрь – 31 октябрга қадар ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги
1 март – 30 июнда

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 15 февралдан – 31 августга қадар ўтказилсин.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси (Эрбеков Ғайрат)га:

транспорт воситаларининг техник холати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш;

Транспорт воситаларининг техник холати ва ускуналари йўл харакати хавфсизлиги стандартлари, коидалари,нормаларига мувофиқлигини бахолаш вазифаси юклатилсин.

6.Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йилд 31-январдаги № 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўгрисидаги” Низомга мувофиқ утказилсин.

7.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари М.Тураев зиммасига хамда ижросини ташкил этиш туман ички ишлар бўлими И.Хаджамқулов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **И.Қаршибоев**

Туман ҳокимининг
2019 йил 21- февралдаги
150 -сонли қарорига
1- илова

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси
Т А Р К И Б И

1. Эрбеков Ғайрат. - туман ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, комиссия раиси

комиссия аъзолари

2. Бобожонов Нурмухаммад - туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи

3. Саримсақов Эрали - туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

4. Набиев Сардор - "Ўзагросуғурта" ДАСК туман бўлими бошлиғи в.в.б

5. Ўроқбоев Ойбек - "Агротехсервис" МЧЖ механиги